

ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАРДА ЗАМОН ВА МАКОН ТАЛҚИНИ
Гулрухбегим Қаҳрамон қизи РАВШАНОВА
доцент
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Қарши давлат унверситети
Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада янги ўзбек шеъриятидаги ҳажвий шеърларда замон ва макон талқини, ижодкорларнинг ҳажвнавислик маҳорати, ҳажвиётидаги ўткир кулгининг шакллари, ҳажвий асарларида инсон маънавияти ва ахлоқ муаммолари тадқиқ этилган. Шу жиҳатдан Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ҳажвлари таҳлили шуни қўрсатадики, уларда кўпинча сатирик кулги ва унинг шакллари учрашини қўрамиз. Ижодкорлар ҳажвларида кулги ниқоблари бир-бирига уйғунлашадиган киноя, заҳарханда, сарказм, пичинг, фош қилувчи кулги асосий ўринни эгаллаши қўрсатиб берилади ва ҳажвий асарнинг қимматини оширувчи қуроли бўлмиш кулгини ҳосил қилувчи воситалар ўрганилган.

Таянч сўзлар: ҳажвия, санъат, маънавият, ахлоқ муаммолари, кулги, юмор, муболага, сарказм, драма, анъана, сатирик кулги, масхара қилувчи кулги, физиологик кулги.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВРЕМЕНИ И ПРОСТРАНСТВА В
САТИРИЧЕСКИХ СТИХАХ**

Гулрухбегим Қаҳрамон қизи РАВШАНОВА
доцент
доктор философии (PhD) по филологическим наукам
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан

Аннотация

В данной статье исследуются отражение мотива фольклорных и классических стихотворений в комической лирике новой узбекской поэзии, формы острого сарказма, духовные и нравственные проблемы человека в юмористических произведениях. В связи с этим анализ юмористических произведений Абдуллы Арипова, Эркина Вахидова показывает, что в них часто встречаются сатирический смех и его формы. Показано, что в юмористических произведениях основное место занимают сарказм, сатира, юмор и разоблачительный смех, а также изучаются средства создающие смех, который является главным критерием, повышающим ценность комического произведения.

Ключевые слова: юмор, искусство, духовность, моральные вопросы, смех, юмор, преувеличение, сарказм, драма, традиция, сатирический смех, насмешки, физиологический смех.

Барчамизга аёнки, ўзбек шеъриятида ҳажвнавислик анъанаси мухим икки даврни ўз ичиға қамраб олади: биринчиси мумтоз ва маърифатпарварлик даври, иккинчиси янги ўзбек шеърияти, яъни истиқлол ва унгача бўлган давр оралиғи. Ана шу икки даврнинг шоирлари ҳажвий шеърларида етакчи тенденцияларни ҳам даврга, замон ва маконга мос равищда талқин қилиш ишончни оқлайди. Хўш, ўтган даврнинг олтмишинчи йилларида бадиий адабиёт (шеърият)га кириб келган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матчон, Анвар Обиджон поэтик изланишларидағи асосий тенденциялар нималардан иборат бўлди? Уларнинг бадиий изланишларида қайси мавзу (мотив)лар етакчи аҳамият касб этди? Улардаги мавзу-мундарижа, шакл ва услуб, лирик кечинма табиатидаги узил-кесил ўзгаришлар, ривожланишлар асосан қандай масалаларни идрок қилишга кенг йўл очди?

Дунё шеърияти, қардош халқлар адабиёти ва ўзбек шеърияти мавзу-мундарижасида айни бир-бирига ўтиб турувчи “сайёр сюжет” чизикларини, мавзуларни, муаммо ва ютуқларни, энг асосийси – тасвир ўзига хосликларни кўришимиз мумкин. Шоир оламни қалб кўзи билан кўради, унга ўзига хос исм беради, унинг муаммоларидан изтироб чекади, собиқ иттифоқ даврида, айни ижод ва илҳомга тўлган бир жозибали дамларда санъаткор ҳажвий шеър ёзиб унинг анъаналарини давом эттиришда соҳир ҳикматни кўрамиз. Инсоннинг билишга бўлган эҳтиёжи ҳеч бир асрда тугаган, даврнинг, замоннинг, маконнинг оғриқлари ҳеч бир ёзувчи ёки шоирни тарк этган эмас. Шундай бир оламки, ундан ўзингни онадан қайта туғилгандек, покиза ва иймонли шуур билан енгиллик ила чиқиб олишинг мумкин дейилади муқаддас ўгитларда ҳам. Ҳажв, кулги, енгил юмор – табиатида инсоний дард, изтироб, қайғу ва жафокаш халқнинг, содда оломоннинг юксак мұхаббати, садоқати, бир-бирига бўлган шафқат нашидаси турибди. У ҳамма замонларда ҳам яшашга маҳкум эканлигини тўлақонли хис этади, англайди, изтироб чекади.

Эркин Воҳидов шеърларида замон ва макон бирлиги. Масала моҳиятига ёндашишдан олдин бир ибратли ҳикматни эслашни жоиз деб биламан: “*Мавлоно бир куни, биз етмиши уч маҳзаб ила биргамиз дебди. Бу гап унинг рақиби қози Сирожиддин Қазванийнинг қулогига етиб борибди.* Қози бир муридини чақириб, шу гапни қўпчилик ичидаги Жалолиддиндан сўра, айтганига иқрор бўлса, аяма, ҳақорат қил, деб буюрибди. Мурид шундай қилибди, Мавлонони оғзига олиб бўлмас сўзлар ила ҳақоратлабди, ит, эшак, дебди. Шунда Мавлоно табассум қилиб; “*Биз ўшалар билан ҳам биргамиз*” деб, уни мулзам этган экан” [6]. Буни келтиришдан мақсад шуки, ўтган собиқ иттифоқ даврида санъаткор даврнинг, унинг ичидаги кун кечираётган инсоннинг изтиробларини тўғридан-тўғри айта олмас эди, енгил юмор, ҳазил мутойиба билан замоннинг оғриқларини сиздириб, юксак намунада инкишоф қилиб ўтарди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матчон, Анвар Обиджон олиб борган шаклий-услубий изланишларда замон ва макон талқини ҳажвий-киноявий усул ўзига хослигини тайин этади. Эркин Воҳидов даврнинг оғриқларини қўпчилик ҳажвий шеърларида куйинчаклик билан ёритади. Унинг ичидаги мунг, ғам ва қайгу бор эди. Ундан ниҳоятда теша тегмаган, фалсафий-эстетик гўзалликни яратди. Пировард натижада собиқ иттифоқ даври одамлари – меҳнатга лаёқати бўлмаган қатламнинг сафарбар қилиниши, қўп жойларнинг режасиз ўзлаштирилиши оқибатида Орол фожеасининг келиб сикиш сабаблари, унинг жорий кундаги оқибатларини бутун дунё аҳли билиб, ҳис қилиб турибди. Ҳажв қилинаётган объект ва унинг предмети ҳар қандай замоннинг равиши билан тез суратда ҳисоблашади. Чунончи ҳажвий шеър тагида миллатнинг тақдири, унинг келбатли ҳаёти, умуминсоний тамаддун чорраҳасида яшаётган “мен”нинг ихлоси, нияти туради. Буни ҳеч бир замон шоири инкор қилолмаса керак деб ўйлаймиз.

Шеъриятда замон масаласига тўхталадиган бўлсак, у қайси давр, қайси вазият, қайси ҳолатдагиси билан боғлиқ ҳолда идрок қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Гегель таъбири билан баҳоласак: “Поэзия ўз-ўзини

рўёбга чиқаришда ботинан эркин ва ҳиссий материал билан алоқадор бўлмаган руҳнинг, тасаввур ва ҳиссиётларнинг фақат ботиний макони ва ботиний замонида мавжуд бўлган руҳнинг энг умумий санъатидир” [2], дея ҳақ гапни ифодалайди. “Эркин бўлмаган, ҳиссий материал билан алоқадор бўлмаган” деганда файласуф икки жиҳатни назарда тутган бўлса ажабмас! Биринчидан, олим назарда тутган мсала шундан иборатки, шоир қайси маконда, қайси замонда эркин бўлади, у ўша жамиятнинг фукароси экан, “онгли” равишида ҳар қандай ҳис ва тафаккурни юрагида, шуурида чамалаб кўради. Агар шу мавзуга қўл урсам, одамлар нима деркин? Сиёsat-чи? Ўтган замон эса сиёsatнинг ранги, ҳолати ва руҳиятини ҳар бир шоирга, айниқса, Эркин Воҳидовлар авлодига мураккаб эканлигини кўрсатди. Амалда бунинг исботи ҳам бўлди. Иккинчидан, ботиний макон ва ботиний замонда яшаётган шоир англамлари ўринли ташбеҳларда намоён бўлади. У шуурида ҳар қандай масаланинг нозик томонларигача – қайта кашф қиласи. Сезги, ҳис ва тафаккур бирлигига яхшилаб қайнатади. У ҳажв бўлсин, ҳажвий шеър эмас, жиддий бўлсин, жамиятнинг онгли, сезгир ва тафаккурли аъзоси сифатида иш юритади. Мана шу жиҳатлар ёзувчи ёки шоирга оғирлик қиласи. Биз айни шу икки жиҳатни аралаштириб юбормаслигимиз лозим. Қуйидаги шеърда унинг ёрқин ифодасига қулоқ тутамиз:

*Дини – поклик, инсоф мурувват,
Тариқати – мардлик, футувват.
Дўсти – меҳнат, ёри – уқубат,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.*

*У ҳаммани ўйлаши керак,
Кўнгил олиш йўқлаши керак.
Ўзбек қачон ухлаши керак?
Ўзбек бўлиш осон эмасдир [1].*

Миллатсевар ва элсевар шоир Эркин Воҳидовнинг мазкур шеърига эътибор берилса, қадим-қадим замонлардан, қадрият бўлиб қон-қонимизга

сингиб кетган – кечиримлилик, мардлик, олижаноблик, қаҳрамонлик ва қатор ноёб сифатларни бир оғир шароитда шеър қилиб ёзиш учун, ундаги енгил, латиф кулги тариқасида ифодалашга маънавий жасорат ҳам зарур. Ўша собиқ иттифоқ даврида эса тарихни тилга олиш у ёқда турсин, у ҳақда ўйлашнинг ўзи мумкин бўлмаган “қалтис” замонлар эди. Эркин Воҳидов бу шеърни истиқлол даврида ёзди, яъни 2009 йилда. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги поэтик изланишлари: миллат сифатидаги ОВОЗнинг борлигини билдириб қўйиш учун битилган манзумадир бу! Демак, ҳажв қилинаётган обьект ва предметда миллатнинг орзу-ҳавасини куйлаш биринчи ўринда туради. Собиқ иттифоқ даврида бир замоннинг иккинчи жиҳати, одамларнинг тафаккур қилишга изн берилмаганида қабариб кўринади. Ундан вазиятдан шоир осонлик ва усталик билан фойдаланади.

Маълумки, “бир қарашда макон ва замон (“тогохронос” ҳам) категорияси мавжудликнинг умумий белгиси сифатида ҳар қандай асарнинг бадиийлигини таъминлайди, дейиш мумкин. Аммо атамаларни чуқурроқ таҳлил этилса, макон (толос) ва замон (хронос) мустақил лексик маънога эга эканлиги кўринади. Чунки борлиқ мутлоқ мавжудлик сифатида эътироф этилади, аммо унга инсон нигоҳи, эътибори билан қаралса вақт, замон ҳаракати сезилади. Демак, тогохронос инсон омилига борлиқ. (Шу ерда менталь олам ва ундаги тогохронос, менталь олам ва реаль борлиқ муносабатлари, бу икки мавжудликнинг яхлитлигини таъминловчи тогохронос қандай, қай усулда намоён бўлиши ҳамда тогохронослар типологияси, тогохронос ва бадиий матн структураси, бадиий англам, тогохронос ва концепт каби масалаларни тадқиқ этиш кераклиги кўринади.) Толос ва хронос мустақил лексемалар сифатида қўлланади” [4]. Кўринадики, ҳар қандай тогохронос табиатида муҳим ички белгилар мавжуд: унда қайси даврнинг кайфияти акс этиши билан ҳам ўлчанади. Эркин Воҳидовнинг аксарият шеърларида маконий кенгликлар замоннинг нашидасини суриб яшаётган образларни тартиблаштиради. У ҳажвий йўсинда бўладими, фалсафий-эстетик жиддий шеърият тарзидами ҳар бирида ўз макони ва

замони тадрижий талқини намойиш қилинади. Етакчи тенденциялар айни шу масалаларни ўз ичига қамраб олиши билан белгиланади.

Абдулла Ориповнинг “Ранжком” драматик достонида сатирик рух XX аср бошларидағи Чўлпон, Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат, Қодирий каби драматургларнинг анъаналари руҳида ёзилган бўлишига қарамай шоирнинг бақувват услуби ўзига хослик касб этган. “Демак, замонавий ўзбек драмасининг майдонга келиши, бир томондан жаҳон драматургиясида кечган ижтимоий-маданий, бадиий-эстетик жараёнлар билан, иккинчи томондан XX аср бошида Туркистон (Ўрта Осиё) халқлари ҳаётида рўй берган ижтимоий-сиёсий эврилишлар оқибатида туғилган маънавий, бадиий ва ғоявий эҳтиёжлар билан боғлиқ. Бинобарин, драма жанри тарихи ҳақида сўз юритилганда, асосан, Европа драматургиясига мурожаат қилишимизнинг сабаби ҳам ҳозирги ўзбек драмасининг илдизлари айни манбаларга бориб боғланишини кўрсатишидир” [3]. Дарҳақиқат, драматик достонларда ҳам даврнинг “қалтис” вазиятлари ҳажвий-пародик, киноя, сарказм билан инкишоф қилинган. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов драматик достонларида ҳажвий образлар бугунги кунда ҳам ўқувчилар эътиборида, китобхонлар дикқат марказида бўлиб келмоқда. “Ранжком”даги кулгили ўринларни шоир ўзининг яшаб турган муҳитида бошидан ўтказган. Бир-бирини сотишлар, хиёнат, меҳр-шафқатнинг йўқлиги деб идрокламоқда.

Шоирнинг сатирик мазмундаги шеърлари мустақилликдан кейинги йилларда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни, ўзгаришлар жараёнида инсонлар харakterида шаклланган иллатларни кўрсатиб, уларни бартараф қилишга қаратилган бўлса, унинг юмористик шеърларида эса ҳаётдаги бирорта нуқсонли ҳолатга енгил қулиш билан ишора қилиниб, ундан озод бўлишга ундалади. Бу унсурлар шоирнинг мустақилликдан кейинги ижодида ҳам ўзига хос бўй кўрсатади.

Таниқли мунаққид ва олим Й.Солижонов қайд этишича: “Оташнафас шоир Эркин Воҳидов ўзининг бутун ижоди давомида миллатнинг кўзини очиш, унга ўзлигини англатиш, ўз шаъни, ор-номуси, эрку озодлиги учун

курашиш ва чорлаш йўлидан борди. У ижоднинг асосий моҳияти, пафоси шунда деб билди ва энг оғир вазиятларда ҳам бу йўлдан чекинмади. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Истиқлол ғояси, мустақиллик учун кураш мавзусини XX асрнинг 60-йилларида ўзбек шеъриятига Эркин Воҳидов олиб кирди. Шўро даврида ўсиб, тарбияланиб вояга етган авлод халқ иродаси, ўзига хос тарихи, миллатнинг шаъни, қадр-қиммати, жисмоний ва маънавий куч-кудрати ифодаланган, аждодларининг шон-шавкати улугланган шеърларни иштиёқ билан ўқиши, ўқиганда ҳам тўғри қабул қилиши (яъни ўқиши) бироз қийин эди. Шу боис, ўша пайтда Эркин Воҳидов томонидан яратилган “Ўзбегим” қасидаси одамларнинг онги-шуурига чақмоқдек урилди. Айримларни куйдирди, баъзиларни караҳт қилиб қўйди. Лекин бу чақмоқ жуда кўпчиликнинг қалбидаги зулматни ёритиб юборди”.

Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеъриятидаги замон ва макон ифодаси ҳажв қилинаётган мотивларни аниқлашда, уларнинг моҳияти акс этган маънони идроклашга йўналтирилган. Мазкур бирликлар системаси бадиий хронотоп қийматини далолатлайди. Энг асосийси, инсоний муносабатлар тифизлиги, дард ва оғриқларни енгиб ўтишга йўл очади. Кулги замиридаги зиддият эса давр нафасини теран фаҳмлашга йўналтирилади.

ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Воҳидов Э. Табассум. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. – 275 б.
2. Гегель. Эстетика. – Тошкент: Файласуфлар жамияти, 2012. – 72 б.
3. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Faafur Fulom, 2015.
4. Йўлчиев Қ. Ҳозирги ўзбек шеъриятида макон ва замон категорияси: Филол.фан.док.дисс. – Фарғона: ФарДУ, 2021. – 128 б.
5. Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Тошкент: Faafur Fulom, 2018. – 258 б.
6. Камол, Жамол. Абадият остонасида. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2018. – 263 б.

7. Обиджон, Анвар. Гулмат Шошийнинг ёввойи девони. – Тошкент: Шарқ, 2003.
8. Солижонов Й. Лирика латофати – насрнинг назокати. – Тошкент: Адабиёт учкуни, 2018.
9. Эшонқул, Назар. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 185 б.
10. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури очерки. – Тошкент: ФАН, 2008. – 55 б.
11. Қуронов Д. ва бош. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.
12. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 308 б.